Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 6 DEKABR ◆ PAYSHANBA ◆ № 144-145 (26.847)

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонларига мувофиқ, Истиқлолимизнинг 10 йиллиги арафасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабрь куни — Конституциямизнинг байрам қилиниши арафасида Оқсарой қароргоҳида мана шу юксак мукофотларга сазовор бўлган бир гуруҳ ҳамюртларимизни тантанали тақдирлаш маросими бўлди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов топширди.

— Мен бугун шу муҳташам саройда сиз, азизларни Ватанимизнинг мўътабар мукофотлари билан чин қалбимдан муборакбод этар эканман, — деди давлатимиз раҳбари маросимни очар экан, — сизларнинг тимсолингизда шундай мукофотларга сазовор бўлган, узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган юзлаб юртдошларимизни ҳам, бағримга босиб, уларга ҳам табрик ва мукофотларни бамисоли ўз қўлим билан топшираётгандек тасаввур қиламан. Чунки давлат раҳбари, Президент зиммасида жуда кўп мураккаб ва масъулиятли вазифалар борлигини яхши биласиз. Лекин сизларнинг бугунги шодлигингизга шерик бўлиб, юксак унвон ва нишонларни топширишни зиммамдаги кўп-кўп ишлар орасида ўзим учун энг шарафли вазифа, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу маросим билан боғлиқ яна бир фикрни айтишга ижозат берсангиз. Биз босиб ўтган ўн йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, гўзал юртимиз қиёфасида, замонавий корхоналаримиз, бепоён далаларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мисолида янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасидаги улкан ўзгаришларни яққол кўришимиз мумкин.

Айни вақтда, биз эришган натижалар билан бирга, ҳали ечилмаган муаммоларни ҳам таҳлил қилиб, янги марраларни белгилаб, ўз олдимизга янада салмоқли вазифалар қўямиз, албатта.

Очиқ айтиш керакки, бу натижалар кимларнинг меҳнати билан қўлга киритилмоқда, бу ютуқларга кимларнинг фидойилиги ва қаҳрамонлиги эвазига эришилмоқда, деган саволни ўзимизга камдан-кам берамиз.

Бугун шу саволга жавоб берадиган бўлсак, мамлакатимизда рўй бераётган барча ўзгаришлар замирида давлатимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлган сиз каби мингминглаб одамларнинг фидокорона меҳнати, эзгу интилишлари мужассам эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ислом Каримов Ўзбекистон босиб ўтган 10 йиллик мустақил тараққиёт йўли буюк келажагимиз, порлоқ истиқболимиз, фаровон ҳаётимизга мустаҳкам пойдевор қўйганини алоҳида таъкидлади.

— Ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамият ўз олдига қўйган катта мақсад ва марралар сари борар экан, бунинг учун мамлакатда, аввало, тинчликосойишталикни сақлаш, шу билан бирга, одамларнинг меҳнат қилиши учун шароит туғдириб бериш, ана шу меҳнатни қадрлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини англаб олишимиз зарур, — деб таъкидлади Президент. — Агар жамият ҳаётида инсонга мана шундай муносабат қарор топса, унинг ҳалол меҳнати ўз вақтида муносиб тақдирланса, бундай одам ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиши, ўз юртини обод қилишда ҳеч қачон ўзини аямайди.

Ушбу унутилмас дақиқаларда биз, аввало, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган мамлакатимизнинг энг олий унвонига сазовор бўлган моҳир шифокор Раҳмон Муҳаммадиев, ўз меҳнати билан обрў топган газчи Қобул Мўминов, «Меҳрибонлик уйи»нинг жонкуяр мураббияси Вера Борисовна Пак, қирқ йилдан буён жамоа хўжалигини бошқариб келаётган машҳур раис Тожибой Ризаев, саховатли инсон, фермер Алланияз Утениязовнинг номларини катта ҳурмат билан тилга оламиз. Улар қаторида «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати», «Шон-шараф», «Соғлом авлод учун», «Меҳнат шуҳрати» ва Ватанимизнинг бошқа юксак мукофотлари билан тақдирланган барча муҳтарам юртдошларимизни ҳам чин дилдан табриклаймиз, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш, эски тузум даврида яшаб-ижод этган, юрт озодлигини орзу қилиб оламдан ўтиб кетган, қалбан истиқлол умиди билан яшаган юртдошларимиз қадрини ўз ўрнига қўйиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг бошида эса шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзи турибди. Истиқлолнинг ўн йиллиги муносабати билан шундай ҳамюртларимиздан яна бир гуруҳига «Буюк хизматлари учун» ордени берилганди.

Ислом Каримов таъкидладики, кейинги йилларда биз, кеч бўлса-да, эски тузум даврида бетакрор истеъдоди ва ўлмас мероси билан миллий маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини халқимиз маънавиятининг юксалишига бағишлаган, бугун ҳаётдан ўтган, эл-юртимизнинг олқиши ва ҳурматига сазовор бўлган, унинг хотирасида абадий сақланган ватандошларимизнинг хизматларини муносиб қадрлаб келмоқдамиз. Ана шу анъанага содиқ қолиб, бу йил ҳам бир гуруҳ марҳум санъат ва адабиёт намояндаларини «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаганимиз яна бир савобли, эзгу иш бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикримга қўшиласиз.

Шахсан мен Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурҳонов, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Маннон Уйғур, Мария Кузнецова, Аббос Бакиров, Уста Ширин Муродов, Наби Ғаниев, Муроджон Аҳмедов сингари мумтоз санъаткорларимизнинг мана шундай шарафга муяссар бўлганидан, бу ишда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Мукофотланганлар орасида илм-фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида улкан зафарларни қўлга киритаётган навқирон авлод вакиллари ҳам бор. Улар ҳам Ўзбекистон номини дунёга танитиш, санъат ва илм-фанимизни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келяпти.

Ислом Каримов давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган мана шу инсонларга қарата, сизларнинг жаҳон майдонларида нафақат ўз номингизни, ўз жамоангиз шуҳратини, айни пайтда гўзал ва бетакрор юртимизни бутун дунёга тараннум этаётганингизни биз Ватан олдидаги, халқимиз олдидаги энг катта хизматингиз, деб баҳолаймиз, деди. Давлатимиз раҳбари уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналари, устоз-мураббийларига ҳам ўзининг самимий миннатдорлигини билдирди.

Президент Ислом Каримов ҳаётимизни янада фаровон этиш, юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш ишига, маданиятимиз ва санъатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча азиз инсонларни Ватанимизнинг қутлуғ мукофотлари билан яна бир бор муборакбод этиб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига ривож, хонадонларига файзу барака тилади. Барчани Конституциямизнинг тўққиз йиллик байрами билан самимий табриклади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Паркент туманидаги «Заркент» ширкат хўжалиги бошқарув раиси Тожибой Ризаев, Нукус туманидаги «Саховат» фермер хўжалиги бошлиғи Алланияз Утениязов, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Аббос Бакировнинг қизи Ойбарчин Бакирова, академик Эдвард Ртвеладзе, таниқли теннисчи Ирода Тўлаганова ва бошқалар Президентимизга билдирган эзгу тилаклари ва улкан ишончи учун самимий миннатдорлик билдириб, Ватанимизнинг бу мукофотлари янада самарали меҳнат қилишга, маънавиятимизнинг юксалиши ва иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ундашини таъкидлади.

■ (ЎзА)



Суратларда: Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонига сазовор бўлганлар.

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

---

### ХДП ХАБАРЛАРИ

## СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ ТАВСИЯСИ

*2001 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий Кенгашнинг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов бошқарди.*

*Мажлисда, авваламбор, «Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессияси муносабати билан партия депутатлар фракциясига тавсиялари ҳақида»ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда, Сиёсий ижроқўм, Олий Мажлис VII сессиясининг таклиф этилган кун тартиби ва унда муҳокама этилиши мўлжалланаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан, ўз нуқтаи назарини ифода этган. Унга мувофиқ, Сиёсий ижроқўм мамлакатимизнинг бундан кейинги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ривожланиши ҳамда демократиянинг янада чуқурлашуви учун мазкур сессиянинг беқиёс аҳамиятли бўлишлигини ҳисобга олиб, унинг таклиф этилаётган кун тартиби ҳамда умумхалқ референдумига қўйиладиган ва бошқа масалалар бўйича, қабул қилиниши кўзда тутилган ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлашни партиянинг парламент фракциясига тавсия этди. Партиянинг ушбу нуқтаи назарини фракция аъзоларига етказиш Марказий Кенгаш котиби, фракция раиси Изидор Кочмарикка топширилди.*

*Сиёсий ижроия қўмита «Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастури лойиҳаси тўғрисида»ги масалани ҳам кўриб чиқди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг қарори билан тузилган махсус Комиссия томонидан тайёрланган. Сиёсий ижроқўм мазкур ҳужжатнинг умумпартиявий аҳамиятга моликлигини инобатга олиб ҳамда унинг пухта-пишиқ бўлишини таъминлаш мақсадида, уни партия ташкилотларида муҳокама қилишни лозим, деб топди. Муҳокамалар жараёнида билдирилган муҳим фикр-мулоҳаза ва таклифлар ХДП Экологик дастури лойиҳасини қиёмига етказишда ҳисобга олинадилар.*

*Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 2002 йилдаги Иш режаси қабул қилинди.*

## ФРАКЦИЯ НУҚТАИ НАЗАРИ

*Ўзбекистон ХДП депутатлар фракцияси аъзоларининг жорий йил 4 декабрда ўтказилган йиғилишида «Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Фракция раиси Изидор Кочмарик йиғилишда партия парламент фракцияси, Марказий кенгаш Ишчи гуруҳининг Олий Мажлис навбатдаги сессияси олдидан олиб борган тайёргарлик ишлари, сессия кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар ҳамда лойиҳалари тақдим этилган қонунлар, қарорлар, бошқа ҳужжатлар қабул қилинишининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамияти, улар юзасидан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг тавсиялари хусусида сўзлади.*



*Маърузачи ҳамда сўзга чиққан депутатлар — А. Эрдонаев, Н. Зайниев ва бошқалар, партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми тавсиясидан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис VII сессиясида кўриб чиқиш учун таклиф қилинаётган — умумхалқ референдумига қўйиладиган ва бошқа масалаларга оид, ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлашга йиғилганларни чақириш билан бирга, уларнинг айримларига баъзи бир қўшимча ва тузатишлар киритиш лозимлигини уқтириб ўтдилар.*

*Йиғилишда қабул қилинган шу руҳдаги қарорда, шунингдек, ХДПдан сайланган бир гуруҳ депутатларга сессияда аниқ масалалар бўйича сўзга чиқиб, улар юзасидан фракциянинг умумий ёндашувларини ҳимоя қилиш вазифаси топширилди.*

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

---

### Маслаҳатлашувлар натижалари бўйича Ўзбекистон – АҚШ

## ҚЎШМА БАЁНОТИ

2001 йил 26-30 ноябрь кунлари Вашингтон шаҳрида Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикасининг юқори мартабали делегацияси Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан кенг ва изчил маслаҳатлашувлар ўтказди. Музокаралар мавзуини, аввало, молиявий ва иқтисодий масалалар ташкил этди.

Қўшма Штатлар Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши халқаро коалицияни кенг қўллаб-қувватлаш борасидаги тарихий қарорига берган юқори баҳосини яна бир бор тасдиқлади. Икки томон ҳам ўзининг сифат жиҳатдан янги, узоқ муддатли муносабатларига содиқ эканини изҳор этди. Бу муносабатлар халқаро терроризмга қарши кураш, экстремизмнинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий манбаларини таг-томири билан йўқотиш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга доир муштарак мақсадларга асосланган.

Ўзбекистон томони мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва ривожланган бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топтиришга қаратилган ислоҳотлар дастурини жорий операциялар конвертацияси билан бирга тезроқ амалга ошириш борасидаги қатъиятини тасдиқлади. Америка Қўшма Штатлари жаҳон иқтисодиётининг ўсишидаги пасайишнинг молиявий ва иқтисодий оқибатларини инобатга олиб, Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ушбу мақсадларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирди.

### Ўзбекистон – АҚШ маслаҳатлашувлари

## ТЎҒРИСИДА

26-30 ноябрь кунлари Вашингтон шаҳрида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича Ўзбекистон — АҚШ маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари Р.Азимов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Миллий хавфсизлик кенгаши, Конгресс, Давлат департаменти, Молия, Мудофаа, Савдо, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Эксимбанк, Савдо ва тараққиёт агентлиги, Хусусий сармояларни қўллаб-қувватлаш корпорацияси ва АҚШнинг бошқа идоралари раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.

Давлат котиби К.Пауэлл билан учрашув чоғида АҚШ томонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушга йўллаган мактуби топширилди.

Ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтган учрашувлар томонларнинг ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга интилишлари муштарак эканлигини кўрсатди. Бунда иқтисодий ва молиявий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг АҚШ томонидан янада кенгроқ қўллаб-қувватланишига алоҳида эътибор берилди.

Музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум имзоланди. Шунингдек, Эксимбанк билан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кредит ажратиш борасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамда Савдо ва тараққиёт агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаларидаги лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишга йўналтирилган меморандумлар имзоланди.

Шунингдек, ташриф давомида Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикасининг ушбу етакчи халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

---

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТЛАРИ ЎРТАСИДА ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА ЎЗАРО АНГЛАШУВ ТЎҒРИСИДА

## МЕМОРАНДУМ

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати**

икки давлат ўртасида мақсадларининг муштараклиги асосида халқаро терроризмга қарши кураш, экстремизмнинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий манбаларини йўқ қилиш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашни қўллабқувватлаш борасида сифат жиҳатдан янги, узоқ муддатли муносабатлар ривожланиб бораётганини юқори баҳолаган ҳолда;

икки давлат ўртасида сиёсий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаган ҳолда;

Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотларини изчил амалга оширишни таъминлаш муҳимлигини эътироф этиб ҳамда бу соҳаларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш лозимлигини қайд этиб;

Ўзбекистон Республикасининг ўз иқтисодиётини эркинлаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги интилишларига амалий ёрдам кўрсатиш заруратини англаган ҳолда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган умумий пасайиш ва бунинг, айниқса, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатаётган салбий таъсирини эътиборга олиб;

Ўзбекистонда валютани тартибга солишни эркинлаштириш мақсадидаги кенг қўламли ислоҳотларни амалга оширишда иқтисодий, молиявий, ижтимоий барқарорлик зарурлигини тушунган ҳолда;

2001 йил 26-30 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси делегацияси ва АҚШ ҳукумати ўртасида бўлган музокаралар давомидаги самарали мулоқот руҳини, ўзаро ҳамжиҳатликни юқори баҳолаб, қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида ўзаро келишувга эришди:

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати:**

Барқарорлик ва аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳлари манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилиш заруратини инобатга олган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги қатъиятини таъкидлайди. Бу қатъият қуйидаги мақсадларда Халқаро валюта жамғармаси иштирокида бошқа халқаро молиявий институтлар билан самарали ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш учун ислоҳотларнинг ишончли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўз ичига олади:

— жорий ҳисоб рақамлари бўйича миллий валютани бирхиллаштириш ва эркин айирбошланишига эришиш;

— макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш;

— савдо, божхона ва тарифларни тартибга солиш соҳаларидаги сиёсатни яхшилаш, шунингдек, минтақавий ҳамкорлик жараёнини жадаллаштириш ва Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётини босқичма-босқич интеграция қилиш;

— хусусийлаштириш, хусусий сармоя жалб қилиш, қонунчиликни кучайтириш, сармоядорларга қўшимча қулайликлар яратиш ва Ўзбекистоннинг бой минерал-хомашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлашда уларнинг иштирокини кенгайтиришдан иборат чора-тадбирлар қабул қилиш орқали инвестиция муҳитининг жозибадорлигини таъминлаш.

**АҚШ Ҳукумати:**

**Қуйидагиларга тарафдорлигини билдиради:**

— Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларга устуворлик мақоми бериб, Ўзбекистон Республикаси ва халқининг тараққиёти ҳамда гуллаб-яшнашини жадаллаштириш учун яқин ҳамкорликда ишлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта жамғармаси ҳамда бошқа халқаро молия институтлари билан муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

— жумладан халқаро молия институтлари, бошқа донорларда мавжуд бўлган тегишли механизм ва воситалар доирасида Ўзбекистон Республикасига, биринчи навбатда, ижтимоий ва молиявий барқарорликни ҳамда келгуси йилларда иқтисодий ислоҳотларнинг энг қизғин даврида рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган ялпи молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш. Бундай қўллаб-қувватлаш, жумладан тўлов балансини барқарорлаштириш ва давлат бюджети учун бериладиган ёрдам АҚШда ва бошқа халқаро молиявий институтларда белгиланган қоида ва тартиблар асосида кўрсатилади.

— ўзининг ваколатли идоралари орқали Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор идоралари билан биргаликда АҚШ Экспорт-импорт банки (Эксимбанк)нинг амалдаги дастурларини кўриб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи манфаатларига мос келадиган, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Савдо вазирлиги, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), Хорижий хусусий инвестициялар бўйича корпорация (ОПИК), Савдо ва тараққиёт агентлиги (ТДА), Эксимбанк ва АҚШнинг бошқа молиявий, савдо, инвестиция ташкилотлари орқали амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш борасида фаол иш олиб бориш;

— халқаро тузилмалар, шу жумладан Европа Иттифоқи, «Катта Еттилик» ва бошқалар томонидан молиялаш манбаларини кўпайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан биргаликда иш олиб бориш;

— касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни техник жиҳозлашга молиявий ёрдам бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга кўмаклашиш йўли билан инсон ресурсларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш;

— Ўзбекистон Республикасининг Амударё ҳавзасида икки йилдан бери давом этаётган қурғоқчиликнинг салбий таъсирини бошдан кечираётган ҳудудлари аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласини кўриб чиқиш;

— томонлар биргаликда белгилайдиган устуворликларга мувофиқ, тез орада, шу йилнинг ўзида қўшимча иқтисодий ва гуманитар кўмак ҳамда хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик учун умумий қиймати 100 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатиш;

— АҚШ Экспорт-импорт банкининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига кичик ва ўрта бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очиш кўзда тутилган молиявий механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— улар саъй-ҳаракатларини АҚШнинг Савдо ва тараққиёт агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги орқали 2001 йилнинг 29 ноябрида Томонлар ўртасида имзоланган Меморандумда батафсил белгиланган қатор устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва кейинчалик ресурсларни сафарбар этишга қаратилган грантлар ажратилишига сафарбар этиш.

Томонлар қуйидаги соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва тартибга солишга ёрдам берадиган чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олди:

— молиявий-иқтисодий;

— ҳарбий-техникавий;

— савдо-инвестициявий;

— гуманитар соҳа.

**Томонлар юқоридагилар билан бир қаторда қуйидаги масалаларни кўриб чиқишга тайёр эканлигини билдирди:**

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг қуйидаги устувор тармоқларида инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун АҚШ Экспорт-импорт банки суғурталаши остида қўшимча кредитлар тақдим этиш:

— энергияни тежовчи ва экологик тоза технологияларни жорий этиш асосида генераторларни замонавийлаштириш орқали электр энергетикаси соҳасини равнақ топтириш;

— транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

— минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш;

— ўзаро манфаат келтирувчи бошқа йўналишлар.

2. Ўзбекистонга тўғридан-тўғри Америка инвестицияларини кўпайтириш, Хорижий хусусий инвестициялар бўйича корпорация (ОПИК)нинг инвестициявий лойиҳалар, йирик давлат корхоналарини хусусийлаштириш, кичик ва ўрта хусусий тадбиркорлик, халқаро туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги иштирокини кенгайтириш.

3. Ўзбекистон Республикасига АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), АҚШнинг Савдо ва тараққиёт агентлиги (ТДА) дастурлари доирасида қуйидаги йўналишларга қаратилган техник ёрдами кўламини кенгайтириш:

— инвестиция лойиҳалари, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги лойиҳаларда иштирок этувчи Америка компания ва банкларини Ўзбекистонга жалб этиш учун техник-иқтисодий асосларни биргаликда ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистон товарларининг жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро сифат стандартлари ва экспорт маҳсулотини сертификатлашни жорий қилиш, маркетингнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш;

— энергия тежаш ва ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш.

Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг иқтисодий жабҳасини кенгайтириш мақсадида мазкур меморандумда келишилган барча масалалар устида қатъий, изчил ва мунтазам иш олиб боради. Бу масалалар келгуси музокаралар жараёнида уларнинг диққат марказида бўлади.

**Юқорида баён этилганларга мувофиқ Томонлар ўзаро англашув тўғрисидаги мазкур Меморандумга имзо чекди.**

30 ноябрь 2001 йил.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири, профессор

# ТИЛ – ЎЗАГИМИЗНИНГ, ЎЗЛИГИМИЗНИНГ, ЎЗИГА БЕКЛИГИМИЗНИНГ БОШ БЕЛГИСИ

## МАТБУОТ, МАДАНИЯТ ВА АДАБИЁТИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

Ҳар бир соҳанинг соҳиблари, ҳар жамоанинг ўз оқсоқоллари, ҳар бир касб-кор эгаларининг усталари; диний ва дунёвий илмларнинг устозлик мартабасига, пирлик мақомига эришган азиз кишилари — эл суйган зотлари бўлгани сингари халқимиз ҳам, ҳамкасбларингиз ҳам сиз азизларни ҳам ижодкор, ҳам журналист, ҳам нашр, ҳам матбуотимизнинг жонкуярлари сифатида тан оладилар, иззат қиладилар. Давраларда исм-шарифларингизни меҳр-муҳаббат билан тилга оладилар.

Шунинг учун муборак мамлакатимизнинг, жонажон халқимизнинг ҳаётини ёритишга, ёзишга бутун умрларини бағишлаган барча ҳамкасбларингизга тил ва талаффуз; сўз, ибора ҳамда атамаларни қай йўсинда айтиб, қай йўсинда ишлатиш ҳақидаги истакларимни, эътирозларимни Сизлар орқали айтишни маъқул кўрдим. Бу хайрли ишда Сизларнинг кўмакларингиз керакка ўхшаб кўринади. Бу ишни холисоналлоҳ ижро этиш ҳам, ижро эттириш ҳам қўлларингиздан келади. Сабаби мамлакатимизда чиқаётган барча газета-журналларнинг Бош муҳаррирларидан тортиб то радио ва телевидениенинг масъул ходимларигача бири шогирдларингиз бўлсалар, бирлари жон аямас иниларингиз, сингил-қизларингиз. Шунинг учун ҳам билдирмоқчи бўлаётган эътирозларимни, айтмоқчи бўлаётган таклиф ва истакларимни матбуот ходимларининг барчалари «чимирилиб» қабул этмасликларига инонаман.

Бутун халқнинг тили ҳам, маданият-маърифати ҳам, санъат-адабиёти ҳам бутун бўлади.

Тўғри, яқингача ярим эдик. Танамиз шу ерда-ю, тафаккуримиз, тақдиримиз Кремль деган томонларда эди. Яратганнинг иноятги, Юртбошимизнинг тенгсиз-тимсолсиз жасорати билан мустабидликдан қутулиб мустақил бир мамлакатнинг, озод бир ўлканинг армонсиз фуқаролари бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Авваллари эркимиз ҳам, бўркимиз ҳам ўз инон-ихтиёримизда эмас, деб дод дердик. Ва дод дейишдан бошқа чорамиз ҳам йўқ эди. Динимиздан, тилимиздан салкам айрилиб қолаёзганимиз ҳам рост. Эндичи? Энди ўз туғи, ўз туғросига; ўз тахти-тожига, пойтахтига, ўз раҳнамосига эга бўлган халқмиз. Қозонимиз ҳам, хирмонимиз ҳам, дастурхонимиз ҳам ўртада, деб айтсак ярашади. Энди дод деган кишининг қўлига кишан, оёғига ғулу солиб дадҳога топширмоқ керак! Ҳамма жабҳаларда кечаётган гўзал жараёнлар қаторида қадим-қадимдан

- Тили — арабаст.
- Форсий — шакораст.
- Туркий — бекораст,

дея камситилиб, ўгай ва ўксик санала келинган она тилимиз кун сайин, йил сайин тиниқлаша бориши керак. Бу тилни тиниқлаштириб, чўпу хаслардан, курмак-абаслардан тозалай бориш биргина тилшуносларнинг эмас, ҳаммамизнинг ишимиз, бурчимиз.

Одатда кичик нуқсонлар йиғила-йиғила қусурга, кўз илғамас иллатлар бора-бора жароҳатга, майда айблар тўплана-тўплана гуноҳи азимга айланадилар.

Ўзи нима гап, дерсизлар. Гап «Зангори экран» билан радиода кўрсатилиб-айтилаётган, газета-журналларда ёзилаётган айрим сўз, айрим атама ва айрим ибораларнинг ножоиз, ноўрин ишлатилаётгани, ножўя қўлланилаётгани хусусида. Шевабозликнинг «болалаб» кетаётганлиги борасида.

Гапни кети-кўлами, борлиқ имкониятлари чексиз бўлган, ташвиқот-тарғиботимизнинг қон томири ҳисобланган, неча минглаб кишиларнинг минбарига, «ўқир китоблари»га айлана кетган Тошкент телевидениесидан бошласам. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, ҳар бир гўшасида яшовчи турли касб-кор эгалари бу минбарга чиқиб олиб ўз шева, ўз лаҳжаларида «кевотти-кетвотти»лаб, «келутти-кетутти»лаб, «келсана-кетсана»лаб, «борайди-келайди»лаб, «келажатир-кетажатир»лаб турсалар нима бўлади?

«Ойнаи жаҳон»имиз Олой бозорига айланади-қўяди. Оддий деҳқон, боғбон, қўйчибон, йилқичи, ишчи, чилангар, овчи мисоли суяклари меҳнатда қотиб, танглайлари ўзимизнинг қайта борар еримиз — тупроқ билан кўтарилган кишилар ўз шеваларида гапирсалар бу сифат у кишиларга яраша тушадилар. Бироқ ё олий маълумотли шифокор, ё мударрис, ё бирон-бир корхона раҳбари «экран»да ё «вотти-вотти»лаб, ё «келағай-борағай»лаб сайраб турса нима бўлади? Айб бўлади. Тилга, элга нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Бефаҳм-бефаросатсизлик бўлади.

Энди ўзимизнинг соф ўзбекона иборамиз, атамаларимиз ўрнига ғализ, қўпол, ҳақоратомуз бирикмаларнинг айтилаётганига, ёзилаётганига эътибор берсангиз борми? Бир ерда газета ёзилса, бир ерда рўзнома, бир ерда журнал ёзилса, бир ерда жарида; бир ерда учоқ, ё тайёра ёзилса, бир ерда самолёт ёзилади. Ҳозиргача биз газета-журналларда хизмат қилиб келаётган ҳамкасбларимизни журналист дея атаб келдик. Рўзнома ё жарида деб айтар бўлсак унда рўзномаист ё жаридаист деймизми? Ё рўзномачи, ё жаридачи деймизми? Ҳозиргача мен ёшлар тугул қарияларимизнинг ҳам рўзнома, жарида, учоқ деганларини эшитганимча йўқ. Унингсиз ҳам рўзнома, жарида, тайёра соф ўзбек тилига дахлдор эканми?

Компьютер, магнитофон, микрафон, трактор, вертолёт, метрополитен, тепловоз, бензин, костюм, шляпа... Уларни қандай ўзбекчалаштирамиз? Қандай ўзлаштирамиз? Хорижлик дўстларимиз палов, тўн, тумоқ, қайнатма шўрва, қимиз, қимрон, ғилминди, қовурдоқ сингари сўзларимизни ўз тилларига қай йўсинда оғдариб оладилар? Бизнингча юқорида қайд этилган атамалар қайси миллатда ижод этилган бўлса ўша миллат тилида қабул қилинади. Бу тилнинг халқаро мезонларига ҳам мос тушади.

Яхшиси сиз билан биз ўзимизни чорвадорлар ёки турли касб-кор эгалари даврасида қатнашаётибмиз деб тасаввур этайлик-да, телевизор ёки радиода кўрсатилиб, эшиттириладиган, газета ёки журналларда, айрим адабий асарларда ёзилаётган қуйидаги аросатда қолган сўз, жумла ҳамда атамаларга эътибор берайлик.

- Сут ва сут маҳсулотлари
- Саноат маҳсулотлари
- Нон ва нон маҳсулотлари
- Сабзавот маҳсулотлари
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
- «Айрим маҳсулотларни тикиб чет элга жўнатаяпмиз»...
- «Илонлар турли маҳсулотлар билан овқатланади. Илонлардан олинадиган маҳсулотлар тиббиётда қўлланилади».

Бу «маҳсулот»да инсоф борми ўзи? «Маҳсулот» тумшуғини тиқмаган ер борми? Илондан заҳар олинади, деб эшитардик. Лекин маҳсулот, деб... Маҳсулотни ҳам тикиб бўлар эканми? Ё тавба! Ё Раҳмон!

Айниқса, чорвачиликка бағишланган эшиттириш ёки маҳсулотларда ишлатилаётган: йирик шохли мол, майда шохли мол, она сигир, эркак қўй, она совлиқ, эркак боласи, бир ёки икки туёқли моллар, ота бўри, йилқи подаси, от сути, отчилик, йирик ва майда моллар тўдаси, туя боласи, туя сути, итимиз туғди, ҳайвон бозори сингари «Уйнашдан бўлган» иборалари бир бошдан санар бўлсангиз борми?..

Халқимиз ҳеч қачон «Мол бозори»ни «Ҳайвон бозори» демаган. Демайди ҳам. Сабаби қўй билан эчкини, одатда, ҳайвон дейилмайди. Шу ўринда бир муддат тўхталимиз шекилли. Юқоридаги «йирик ва майда моллар тўдаси»га эътибор берсангиз. Чорвачилик дунёсида бундай бирикманинг ўзи йўқ. Бизнингча, бу жумлада тўрт тўлик ҳақида гапирилаётир.

Тўрт тўлик:

а) қора мол;
б) жонлик;
в) йилқичилик;
г) туячилик.

Той, қулун, ғунон, дўнан, тўлан, бия, байталдан тортиб то арғумоққача бўлган йилқи турлари йилқичиликка киради. Чўвир, ёби, от, айғирлар ҳам. От сути дейиш айб саналади. Бунинг ўрнига биргина сўз — қимиз, дейилса бас.

Қўй билан эчкининг борлиқ турлари — жонлиқ. Улоқ, чивич, серка, така, қўчқор, қўй, совлиқ, чори, панжи, шиш...

Бўталоқ, тойлоқ, моя, лўкча, нор — булар — туячилик.

Туя сути дейилмай, қимрон дейилса бас.

Бузоқдан тортиб буқагача — қорамол. Тана, новвос, сигир, соғин сигир...

Йилқининг тўп-тўдаси — уюр.

Ёбон, чўл, саҳрода юрган туя тўдаси — гала. Ўнлаб-юзлаб қўй-қўзиларни қўра ё қўтон деб айтилса бас. Қўра-қўра қўйларимиз ё қўтон-қўтон қўй-қўзиларимиз.

Тўрт тўликнинг ҳар бирининг ёшига, жинсига, юк кўтаришига, соғ-носоғига қараб номларини бир бошдан айтар бўлсак, борми. Э-ҳ-а-а!

Сайҳон ё қир тўла йилқиларни йилқи уюри дейилади. Ёки уюр дейилса бас.

Паррандачилик ҳақида гап кетганда эркак товуқ, урғочи курка дейишлик айб саналади. Эркагини хўроз ё нори, урғочисини эса макиян дейилса бўлгани.

Ҳаммамиз ҳам осмондан тушмаганмиз, ердан ҳам чиқмаганмиз. Ота-оналаримиз сабаб дунёга келганмиз. Пайдо бўлганмиз. Бирда-бирда палончи туғди ё Холбиби бўғоз деган сўзларни эшитиб қоламиз ё бирон-бир ерда ўқиб қоламиз. Туғди, бўғоз! Қандай айб. Қанчалик ҳақоратомуз. Нечоғлик қўпол. Бўғоз сўзини уялмасдан айтиш, ўрнига бўйида бор, оғир оёқли, икки қат, суягида бор, юкли... деб айтиш қанчалик пардали. Шу каби туғди дейиш ҳам керак бўлса кишининг шахсиятига, нафсониятига тегадиган гап. Унинг ўрнига кўзи ёриди, омон-эсон қутилиб олди дейиш одобдан бўлади. Унингсиз ҳам қиз бўлса минг қўйли бўлди, ўғил бўлса, от боғлар, деган иборалар йўқ эмас. Одатда бўғоз ё қисир ёхуд туғди сўзлари молга нисбатан ишлатилади. Ҳатто қўйни қўзилади, бияни қулунлади, итни кучуклади ёки болалади дейилади. Товуқни туғди деб бўларканми? Тухум босди, курк бўлди, жўжа очиб чиқди дейилади. Қайси бир ёзувчининг ҳикоясидан:

«Сотиболдининг сигири безовта бўлар, ётиб-турар, ўзини қўйгани жой топмас — пана бир жой қидирар эди». Молнинг туғиш олдидаги бундай ҳолатини чорвадорлар биргина сўз билан ифода этадилар - бўрчалади.

Кўча-кўйларда, давраларда яна шундай иборалар қулоққа чалиниб қолади: «Бу киши менинг хотиним бўлади. Бу киши менинг эрим бўлади».

Бизда азал-азалдан эр-хотиннинг бир-бирларини қандай чақириб, қандай аташлари ҳам одоб санала келинган. Аёл киши — бизнинг хўжайин, бизнинг бой, дадалари... Эр кишилар — бизнинг хоним, бизнинг оила, бизнинг бека... Бир-бирларини чақирар, чорлар бўлсалар:

Эри аёлини — қаёқдасан? Ё бирон қизини исми билан — Ойқизнинг онаси, ёки онаси, ойиси...

Аёл киши хўжасини бирон ўғлининг исми билан — Алишернинг дадаси (буни оилавий исм-куня дейдилар).

Томларни қор босиб эрув бошлагандан сўнг том бўғотзийларида беш панжа шаклида пайдо бўладиган музларни чумак дейдилар. Бу ҳақда болалар қўшиғи ҳам бор:

- Бош бармоқ
- Кўрса керак (кўрсаткич бармоқ)
- Ўрта терак
- Болали буйрак (суқ, узук тақадиган бармоқ)
- Чулдир чумак (чинчалоқ)

Чумак сўзи эса ҳали-ҳамон сумалак тарзида ишлатилмоқда. Ҳатто бир шоирнинг «Сумалак» сарлавҳали шеъри ҳам бор. Ҳатто керак бўлса, 1-синфларнинг «Ўқиш китоб»ларида ҳам сумалак деб битилибди.

Баҳор пайтларида тоғлардан кўчадиган қорни терма дейдилар. Ваҳоланки, ҳамма ерда кўчки тарзида ёзилмоқда. Қор шу қадар шиддат билан энишга қараб кетадики, йўл-йўлакай дуч келган дов-дарахтларни, тошларни, қояларни териб кетади. Шунинг учун ҳам терма деб атайдилар: тоғларда терма бошланди, ҳозир авжи терма пайти, термага йўлиққан тек қолмас.

Дарё, сойлардан пиёда отлиқларнинг ўтадиган жойларини кечик эмас кечув дейдилар.

Тоғларнинг кун тушмас — шимол томонини терскай, кун бўйи кун тушар — жануб томонини эса беткай дейилади. Бизда эса тоғ олди, тоғ орти деб ёзилиб келинмоқда.

Буюк сиймолар ҳақида битилган тазкира ҳамда хотираларда шундай жумла, шундай гапларга кўзимиз тушади:

— У ўз даврининг улуғ сиймоларидан эди.

У дегани сен дегани. Уни чақириб кел дегани ҳам чақирилувчини сенсираш билан баробар. Чақирувчи киши чақирилувчидан катта бўлсагина, уни айтиб кел, дейиш одобсизлик саналмайди. Ҳатто манаман деган олимларимиз ҳам ўтган улуғ кишиларимиз ҳақларида ёзган хотира ё эсдаликларида юқорида айтаётганимиздай, у киши шундай донишманд эдилар, дейиш ўрнига, у шундай донишманд эди, деб ёзадилар. Бир қараганда эса кўпинча бундай гапларнинг қандай тузилиб, қандай бузилганига кўпам эътибор бермаймиз.

Бир олим академик шоиримиз Ғофур Ғулом ҳақида ёзган «Ёднома»сида ёзади:

—... У туғма талант эгаси эди.

Ўша олимнинг ёши ҳам, даражаси билан мавқе-мартабаси ҳам Ғафур Ғуломдан катта бўлсагина юқоридагидай ёзса кишига эриш туюлмайди.

«Омад кулиб боқди», «илиқ сўз», «бир нафар киши», «олий жазо» сингари жумлалар ҳам кўп ишлатилади. Омад ҳам кулиб боқар эканми? Палончининг омади келди ё кетди, деб эшитар эдик. Айтар эдик. Сўзнинг ҳам илиғи бўладими? Самимий сўз, яхши гап, яхши сўз, ўринли гап, ўринли сўз, ёлғон гап, ёлғон сўз дер эдик. Маъқул гап, маъқул сўз деб эшитар эдик. Баъзан бир нафар киши, беш нафар бола, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Форсийларда як нафар мардум, се нафар мардум, деган ибора бор. Бу «нафар» қаёқдан суқила келди? Бундан кўра бир киши, деб айтганимиз, ёзганимиз маъқул ва ўринли эмасми? Жазонинг ҳам олийи бўладими? Олий — олий. Олий ўқув юрти. Олий маълумотли. Ундан кўра, энг оғир, энг сўнгги жазо, дейиш мантиқан маъқул эмасми?

Хуллас, у қилдик, бу қилдик оддий одамларни ҳам ўзимизга ўхшаб гапиришга, ўзимизга ўхшаб муомала қилишга ўргатиб олдик. Шунга улгурдик ҳам. Бу «нафасимиз» узоқ қишлоқларда яшовчи кишиларгача бориб етди. Кўпдан бери кўриб-кўришмаган қариндошимиз келиб ҳол-аҳвол сўрашган бўлади:

— Тўрақул, қандай, ишлар муваффақиятли кетажатиппа?

— Кексалик гаштини суриб журипсанма?

— Тўра Сулаймонович, унча-бунча жазиб турибсизма?

Мен ҳам гапига яраша жавоб берган бўламан:

— Ҳа, муваффақиятли бўлганда қандай. Жавлон уриб, кексалик гаштини суриб юрибман. Ўзингиз қалай, Товбай Жуманович!

— Ҳа, энди биз...

Соддагина, самимийгина бир киши шундай сўрашиб турганидан сўнг бошқалардан нима умид?! У шўрлик қариндошимиз бизни ҳам китобий яшаб, ҳам китобий гаплашсалар керак, деб ўйлади шекилли. Шекилли!

Мамлакатимизда ҳозирда чиқиб турган газеталарнинг сони 700 дан ошиб кетди. Ким нима деб ёзса, ёзиб ётибди. Қозон биттаю чўмич кўтарган кўп. Қўримиз биттаю кулни ўзига қарата тортиб кўмач кўтарган ундан кўп. Қўра, қўтонимиз биттаю қўй билан қўзи эгаларининг саноғига етиб бўлса кошки.

Биргина «сарт» сўзининг ноўрин, ножўя ишлатилаётганини «ҳазм» қилолмай Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари кимлар билан тортишмаган эди, кимлар билан айтишмаган эди. (Маҳмудхўжа Беҳбудий. «Сарт» сўзи маълум бўлмади», «Ойна» журнали. 39-сон. 1914 йил). Биз эса қанча сўзлар ҳақида баҳс юритдик. Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон давлат университетининг профессори сифатида мен ҳам, қў-й-е-е, менга нима деб, чиллахонага кириб-кетиб, кўзга кўзойнакни ёпиштириб олиб — тўрт кўз бўлиб олиб бўлар-бўлмас жўқиёна шиғирларни ёзиб, ё илмий ишлар билан шуғулланиб, (садағаси кетай ўша шиғирларинг билан палағда илмий ишларингни дейдиган бўлса кошки) кўкрагимни заҳга бериб ётсам бўлар эди. Гап ана шу менга ним-а-а-я, дейишда! Бу кетишда тилимизнинг аҳволи нима кечади, деб мен ўйламасам, сиз қайғурмасангиз, у эса ўз қилар ишини бир чеккага йиғиштириб қўйиб тижоратчиликка уриб кетса (хижолат бўлмасдан) алалоқибатда нима бўлади? Ҳали юқорида айтиб ўтилгандай тилимиз от бозорига айланади-қўяди. Ваҳоланки, Атамашунослик қўмитаси ишлаб турган бўлса. Тил ҳақида Фармон чиқиб турган бўлса. Ҳамма гап ўша, «Мен-г-а-а ни-м-а-я»да! Сир эмас кўпчилик ҳамкасбларимиз она тилимиздан кўра рус тилини яхши биладилар. Бу — яхши. Бироқ бу дегани ўз тилингни янтоққа судра дегани эмас. Бизнингча, «йирик шохли мол», «от сути», «товуқ қичқирди», «эркак қўй» ана шу ва шунга ўхшаш сўзларнинг камайиш ўрнига кун-бакун болалаб, урчиб бораётганлигининг сабаби ҳавоий бўлиб, ердан йироқлашиб, борлиқ урф-одатларимиздан мосуволашиб қолганимизда.

Қани ўша Абдулла Қодирийларнинг, Чўлпонларнинг, Ғафур Ғуломларнинг, Миртемирларнинг қуймали ва суймали тиллари?! Ширали иборалари! Ақл-ҳушингни олиб қўяр соф, содда, самимий, салмоқли тилда битилган асарлари. Шу ўринда эр-хотиннинг бир-бирларига қандай муомала қилиб, қандай гаплашишларини чиройли ифодалаб, чиройли битиб берган; чавандознинг чавандозларча, чўпоннинг чўпонларча сўзлашишларини қойилмақом қилиб ўз асарларида акс эттира олган, номлари юқорида зикр этилган улуғ зотларимизнинг чироқларини қайта бошдан мунаввар этиб ёқишни ният қилган инимиз Тоғай Мурод биз тенги ёзғувчиларни сал уялтириб қўйди чамамда. Қишлоқ одамлари мана бунақа гаплашади, деб. Шунақа тиниқ, тугал тилимиз туриб ўзимизни «аққа-баққа» уриш шарт эканми, деб. Халқимиз азалдан ана шундай гапира келган, деб. Деб...

### ЛАТИФА

Бир замонларда бир шаҳар доруғосининг ташаббуси билан бир неча тунқатор шаъмни баланд кўтариб, шаҳар кўчаларини қий-чувга кўптириб, овозларининг борича бақириб чиқар эканлар:

— Ҳалойиқ! Фармон доруғодан! Уни ижро этиш биздан! Тинч ва осуда ором олиш эса сизлардан! Хавфу хатардан дарак йўқ! Бетоқат ва безовта бўлишга ҳожат ҳам йўқ! Сизларга тинч тун! Тиниқ уйқу! Раҳмоний туш!

Шу йўсин тинчгина ётган шаҳар аҳлининг оромини тун бўйи бузиб чиқар эканлар.

Шу шекилли урра-уррачилик билан, қуруқ шиорлар билан, тилимизни тозалаб, тиниқлаштириб, аввалги ҳолига келтириб бўлар эканми? Бу ҳамма-ҳаммамизнинг, бутун ижодкорларнинг «тилимиз»ни тинимсиз кўз қорачиғидай асрашимиз, гуручни курмакдан тозалашдек машаққатли меҳнатимиз, игна билан қудуқ қазишдек хайрли ишларимиз билан амалга ошадиган иш. Тилни, миллатнинг кўзгуси, дейдилар. Бу кўзгуни гард-ғуборлардан, чанг-тўзонлардан сония сайин тозалай бориш ҳар биримизнинг фарзандлик, фуқаролик бурчимиз. Ва яна тил ўзагимизнинг, ўзлигимизнинг, ўзига беклигимизнинг бош белгиси.

Юқорида одамларга ақл ўргатгандай, тилдан бир қадар хабаримиз бор, дегандай бўлсам шу хатга кўзи тушган ва тушмаган кишиларнинг ҳамма-ҳаммасидан қўлимни кўксимга қўйиб кечирим сўрайман. Тил масаласида баҳс кетадиган бўлса бизни ҳам маъзур тутасизлар. Сабаби камина ҳам ўша сизлар ўқиган совет мактабида ўқиганлардан. Олий ўқув юртида таҳсил олганлардан. Маймундан тарқаганмиз, деган манфур назария қулоқларига қўрғошин бўлиб қуюлганлардан. Бисмиллоҳ билан пайдо бўлган-бўлмаганини айта олмайдиганлардан. Ўзимиз ёзиб, ўзимиз айтган, бир аравада ўтириб «Ким эдик тарихда бизлар. Номи қул, қашшоқ, гадо» деб жирлаганлардан.

Эстония деган мамлакатда давлат тили бўйича махсус инспекция ташкил этилган бўлиб, унинг ходимлари давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилиб борар эканлар. Улар эстон тилини билмаган ёки ёмон билган, бу тилда гапиришни билмаганларни учратишса (иш жойларда), ёки эстон бўла туриб ўз лаҳжаларида (расмий йиғинларда, экранда) гапирсалар катта миқдорда жарима солишар экан. Биргина 2001 йилнинг январь ойидан август ойигача етмиш икки киши (улар орасида фуқаролар, савдо ходимлари, турли тоифадаги амалдорлар)га ўн беш минг крон миқдорида жарима солишибди ва ундириб олишибди. Қандай яхши!

Бизда ҳам шундай қилинса қандай бўлар экан? Бизда ҳам ҳукуматимизнинг тил бўйича қарорлари чиққанми? Чиққан. Нима учун энди биз шу қонунга амал қилмаймиз? Ундан ташқари атамалардан, янги ва эски архаик сўзлардан қандай фойдаланиш, қандай қўллаш кераклигини назорат қилиб борувчи махсус қўмита ишлаб турибдими? Турибди. Шунга қарамай, шунга қарамай...

Бизнингча, шу қонунни бизда ҳам қўллаш, шу қоидани бизда ҳам жорий этиш керакка ўхшаб кўринади. Сабаб, дейсизми? Сабаби Н.А. Аристов, В.В. Решетов, В.В. Бартольд, Н. А. Баскаков, А. Ю. Якубовский, В. В. Радлов... сингари машҳур шарқшунослар, атоқли олимлар биргина ўзбек тили эмас, ҳатто туркий тиллар бўйича бирлари профессорлик даражаларига, бирлари эса академиклик мартабаларига эга бўлиб турсалар-у, биз эса жисму жонимизга она сути билан кирган жонажон тилимизни тилмоч орқали ўрганиб турсак! Хомталаш қилиб янтоққа судраб турсак! Тамшаниб турсак! Чайналиб турсак!

«Туркий бекораст» дея «башорат» қилганларнинг тилларини узундан-узун қилиб турсак! Кўнгилларини кўк бўйи кўтариб турсак! Тегирмонларига сувлар қуйиб турсак! (Бу кўҳна калимани ҳали-ҳамон живочка мисоли эзиб чайновчилар йўқмидир?)

Ўз «тил сандиғи»мизни ўзимиз очолмай, ўз уйимизга ўзимиз киролмай турсак! Ўзимизни ўзимиз масхара қилиб турсак! Қорин қайғуси — қозонгача! Қадр қайғуси — қабргача! Ота-боболаримизнинг, буюк сиймоларимизнинг йиғлай-йиғлай қазган ариқларидан тўлиб-тошиб келиб турган сувнинг — улуғ истиқлолнинг, шу истиқлол берган улуғ неъматнинг — қадр-қийматимизнинг қадрига етмай турсак!

Турсак! Ўз тилимизга ўзимиз ажнабийлик қилиб турсак. Турсак!

### ТАКЛИФ

Олтмишинчи йилларда энг нуфузли газетамизда ҳамма бўлимлардан навбатдаги сонга тушириладиган материалларни кўздан кечириб, «элакдан ўтказиб берадиган, ўзбек тилини пухта-пишиқ биладиган ўрин (штат) бўлар эди. Бу вазифада марҳум Йўлдош Шамшаров ишлардилар. У киши аросатда қолган, ихтилофга сабабчи бўладиган сўз, атама ва ибораларни тутиб қолар эдилар. Шу ўрин қайта тикланиб газета-журналларда, радио ва телевидениеда жорий этилса. Бу лавозимга «Тўғонбеги» мақоми берилса. «Тўғонбеги» тўғон бошида туриб «сув»ни турли хас-хашаклардан тозалаб турган бўлар эди. Мисол учун, йирик шохли молни — қорамол, майда шохли молни — жонлик, она сигирни — соғин сигир, она қўйни — совлиқ, эркак қўйни — қўчқор қилиб тузатиб-тозалаб турсалар. Қуруқ гап сўкишдан, қуруқ ваъзхонликдан, умумий гапдан қутилиб амалий ишга ўтган бўлар эдик.

Хайрли ишнинг кечи йўқ, дейдилар. Бу хайрли ишимиз, албатта, бир ҳафта, бир ой ёки бир йилда эмас, муттасил назорат қилиб, муттасил шуғулланиб бориш билан амалга ошадиган иш. Ва ҳамма-ҳаммамизнинг вазифамиз. Бу ишда Сизларнинг бош бўлишларингизга умид боғлаб таъзим-тавозе билан муаллиф.



ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

# ҚОНУНЛАРНИНГ ДЕМОКРАТЛАШТИРИЛИШИ

Республиканинг суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар анча жадаллашди. Бу ислоҳотлар ўз-ўзидан демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг замонавий стратегиясини шакллантиришга хизмат қилади. Олий Мажлиснинг II чақириқ VI сессияси ва Президентимизнинг сессиядаги нутқи қонунчилик йўлидаги ислоҳотларда муҳим аҳамиятга эга. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳам айнан ана шу сессияда баён этиб берилди.

Олий Мажлиснинг шу йил 29 августдаги қарорига биноан «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалга киритилиши билан давлатимиз раҳбарининг дастурий йўл-йўриқлари қонун йўли билан мустаҳкамлаб берилди.

Ушбу қонуннинг амалга киритилишидан мақсад жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлишига эришиш, одил судловни умумэътирофдаги демократик ва инсонпарварлик тамойилларига янада мослаштиришдан иборат.

Мазкур қонунга биноан бир қатор қонунларга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларга тўхталадиган бўлсак, аввал Жиноят Кодексидаги жазоларнинг жами 18,7 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 42,8 фоизга қадар ўсди. Ёки жиноятларнинг 460 туридан 196 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар қаторига киритилди. Бу терговчи ва судьялар фаолиятида қамоққа олиш ёхуд озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган моддаларни қўллаш имкониятини камайтиради.

Янги Қонунга биноан Жиноят Кодексининг 43-модда 2-қисмидан мол-мулкни мусодара қилиш каби қўшимча жазо тури чиқариб ташланган бўлса, 4-модда 2-қисмида кўзда тутилган жарималар миқдори анча оширилди.

Мазкур қонунга мувофиқ ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар сони 8 тадан 4 тага қисқартирилди. Яъни эндиликда бу жазо айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми), агрессия (151-модданинг 2-қисми), геноцид (153-модда) ва терроризм (155-модданинг 3-қисми) учунгина қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари эндиликда ўлим жазосини аёллар ва вояга етмаганлар билан бир қаторда 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўллаш ҳам таъқиқланади.

Янги қонуннинг энг аҳамиятли томонларидан бири, бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия каби бир қатор ривожланган давлатларда кенг ва самарали қўлланиб келинаётган ярашиш институтининг қонунчилигимизга киритилганлигидир.

Америка Юристлар уюшмаси маълумотларига кўра, АҚШда содир этилаётган жиноятларнинг қарийб 90 фоизи айнан шу жараён билан малакаланади. Бунинг устига бу можаронинг рецидив фоизи ниҳоятда камдир.

Бу инсонпарварлик чорасини қўллаш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

— айбдор шахснинг ўз айбига иқрор бўлганлиги;

— жабрланувчи билан ярашилганлиги ва бунинг белгиланган процессуал тартибда расмийлаштирилиши;

— айбдор шахс томонидан келтирилган зарарнинг қопланиши.

Жиноят Кодексининг 73-модда 3-қисмига киритилган ўзгартишлар шахсларни шартли равишда муддатидан илгари озод қилиш тартибида жазолашни анча юмшатади ва енгиллаштиради. Эндиликда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар жазо муддатининг ярми эмас, балки камида учдан бир қисми ўталганидан сўнг муддатидан илгари шартли равишда озод қилинишлари мумкин. Оғир ёки такрорий равишда қасддан жиноят содир этган шахсга нисбатан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш чораси жазо муддатининг камида учдан икки қисмини эмас, балки ярмини ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин.

Ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган ёки жазони енгилроғи билан алмаштирилган шахсларга муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби маҳкум жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаганидан сўнг қўлланилади. Ваҳоланки, илгари бу миқдор жазо муддатининг камида тўртдан уч қисмини ташкил этарди. Кўриниб турибдики, бу миқдор ҳам жиноий жазони либераллаштиришга киритилган бўлиб, қонунни бузган, аммо содир этган қилмишидан пушаймон бўлган шахсларни ўз оиласига тезроқ қайтариш мақсадини кўзлайди.

Президентимиз Олий Мажлис сессиясида «Миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўплаб фуқаролар учун бошланган тергов, жиноят иши ёки сўроқнинг ўзи бундан зарур сабоқ чиқариб олиш ва бундан кейин қонунни бузмаслик учун етарли бўлади» дея таъкидлаган эди.

Жиноят Кодексининг 74-, 89-, 90-моддаларининг 3-қисмларига киритилган ўзгартишларда ҳам жиноий жазоларни либераллаштиришга нисбатан ана шундай ёндошувни кўриш мумкин. Яъни бу моддаларда жазо чорасини енгилроғига алмаштириш, муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш чорасини вояга етмаганларга нисбатан қўллаш ҳамда жазони бошқа енгилроқ жазога алмаштириш тартиби белгилаб берилган.

Янги қонунга асосан Жиноят Кодексининг 85-моддаси 4-қисм билан тўлдирилиб, унда вояга етмаган ёшида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу билан бирга терроризм (155-модда), талон-торож қилиш (167-модда), фирибгарлик (168-модда), ўғирлик (169-модда), божхонага оид қонун ҳужжатларини бузганлик (182-модда), солиқ тўлашдан бош тортиш (184-модда) қонунга хилоф равишда савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш (188-модда), савдо қонунларини бузганлик (189-модда) каби жиноят турларининг мазмуни ҳам ўзгарди.

Жиноят-процессуал Кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳам Жиноят Кодекси каби уч гуруҳга бўлиш мумкин: қўшимчалар ва ўзгартишларнинг биринчи гуруҳини асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва эҳтиётсизлик туфайли содир этилган жиноятлар учун жазонинг энг юқори муддатлари ва жарима миқдорларини камайтирувчи меъёрлар ташкил этади. Иккинчи гуруҳи эса — бу Жиноят Кодекси ва Жиноят-процессуал Кодексининг барча моддаларидан «мол-мулкни мусодара қилиш» жумлаларини жазо чораси қаторидан чиқаришни назарда тутувчи меъёрлардир. Учинчи гуруҳга — жиноятлар турларини янги таҳрирда ифодаловчи меъёрлар киради.

Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш муддатлари тубдан ўзгартирилди. Эндиликда, умумий қоидага кўра, дастлабки тергов пайтида қамоқда сақлаш уч ойдан ошиши мумкин эмас. Бу муддат терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда узайтирилиши мумкин.

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекс ҳам учта янгилик билан тўлдирилди. Биринчиси, Кодекснинг «Майда талон-торож» деб аталувчи 61-моддаси янги таҳрирда берилмоқда. Бу модда эскисидан шуниси билан фарқ қиладики, унда ҳар иккала қисмда санкцияларнинг миқдори оширилган, шунингдек, майда талон-торожнинг чегаралари энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан беш баравари миқдоригача кўпайтирилган. Иккинчиси, «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида»ги Кодекснинг «Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик» номли 164-моддасига ва «Солиқларни тўлашдан ёки бошқа тўловлардан бош тортиш» номли 174-моддасига янги қисмларнинг киритилганлигидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар қонунларни эркинлаштириш ва демократлаштириш сари ташланган дадил қадамдир.

■ **Баҳодир САИДОВ, Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**




XORIJDA

## МАШЪАЛА КЕЛТИРИЛДИ

Солт-Лейк-Сити шаҳрида бўлажак қишки олимпия ўйинларининг машъаласи АҚШ ҳудудига келтирилди. Афинадан махсус рейс билан келтирилган машъала 65 кун давомида АҚШнинг 46 штатига, саксонга яқин шаҳарларига олиб борилади. Бунинг учун у кунига 400 милдан ортиқ масофани босиб ўтиши лозим бўлади.

## РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Яқинда Нью-Йорк шаҳри мэри этиб сайланган Майкл Блумберг сайлов кампанияларига кетган сарф-харажатлар рекордини янгилади. Нью-Йорк сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, М.Блумбергнинг шаҳар мэри этиб сайланиши учун салкам 69 миллион доллар сарф этилган. Бу ўтган йили Нью-Жерси штатининг губернатори этиб сайланган Жон Корзайннинг кўрсаткичидан роса уч миллионга кўп демакдир.

## АФҒОН АЁЛЛАРИНИ ҲИМОЯЛАБ



Бельгияда Афғонистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Тадбирда Афғонистондаги аёллар ҳаракати раҳбарлари ҳамда БМТ ва Европа Иттифоқи давлатларидан вакиллар иштирок этмоқда. Анжуманда афғон аёллари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотлар ролини ошириш ва янги тузилаётган муваққат ҳукуматда аёллар иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

## УМУМХАЛҚ ТАДБИРИ

Украинада мамлакат мустақилликка эришгандан буён илк бор аҳолини рўйхатга олиш бошланди. Қонунга кўра, рўйхатга олишда ҳар бир фуқаро ўзи ҳақида тўлиқ маълумот бериши шарт. Бу умумхалқ тадбирининг натижалари 2002 йил апрель ойида маълум бўлади.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозир Украина аҳолиси 49 миллион кишига етиши мумкин.

# «КРОССВОРД»НИ КИМ ЎЙЛАБ ТОПГАН?



*Ҳар бир нарса, у кашфиётми, кўнгилочар ўйинми тасодиф билан туғилади ва шундай оммалашадики, оқибатда унинг кашфиётчиси ким эканлиги унутилади.*

*Бугунги кун газета-журналларида «болалаб» кетган «кроссворд» ўйинини ким ўйлаб топганини ҳамма ҳам билавермаса керак.*

*Жанубий Африка Республикасининг Кейптаун шаҳрида чиқадиган газеталардан бирининг бош муҳарририга маҳаллий қамоқхонадан бир хат келади. Унда ғалати тўртбурчаклар тасвирланган, ҳар бир катакда эса биттадан ҳарф ёзилганди. Шунингдек, «Жаноб, қамоқда ўтириб бир ўйин топдим. Уни «кроссворд» деб атадим. Агар лозим топсангиз, шуни газетангизда эълон қилсангиз» каби жумлалар бор эди.*

*Бу хатга парво қилмаган муҳаррир бир куни суҳбат устида дўстларига бу хусусда гапириб қолади ва хатни уларга кўрсатади. Кейин улар биргаликда ажойиб топишмоққа чунонан берилиб, катакдаги ҳарфлар сирини ўйлай-ўйлай топишади. Шундан кейин муҳаррир бу хатга қизиқиб, қамоқхонага боради. Мактуб эгаси билан танишади. Кроссвордни ўйлаб топган киши автомобиль ҳалокатига сабабчи бўлганлиги боис қамалган Виктор Орвел деган маҳбус экан.*

*Орвел «кроссворди» газетада босилиб чиққач, газетхонлар бу ўйинга қизиқиб қолишди. Шундан сўнг таҳририятлар Орвелдан янги-янги кроссвордлар тузиб беришини илтимос қила бошладилар. Бироқ озодликка чиққандан кейин кўп ўтмай у вафот этди.*

*Бу ўйин инглизча «crossword», яъни «сўзлар кесишуви» деб ном олган. Ҳозирда бу кўнгилочар ўйиннинг бир неча турлари бор.*

■ **Юнус БЎРОНОВ тайёрлади**

СПОРТ

## КУЧЛИЛАР ТАҚСИМЛАНДИ

Жаҳон футбол чемпионати финал ўйинларини илк марта Осиё қитъасида ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу эса Осиёда футболнинг оммавийлашгани, маҳоратли спортчилар сафи кенгайгани, қолаверса, жаҳон чемпионати финалига йўлланма олиш учун курашувчилар кўпаётганидан нишонадир. Қизиғи шундаки, ФИФА биринчи марта футбол байрамини икки мамлакат — Жанубий Корея ва Японияда ўтказишга қарор қилган. Узоқ давом этган саралаш учрашувлари якунлангач эса 32 нафар финалчилар ўртасида қуръа ташланди. Жамоалар тўрттадан саккиз гуруҳга бўлинди.

«А» гуруҳи — Франция, Сенегал, Уругвай, Дания.
«В» гуруҳи — Испания, Словения, ЖАР, Парагвай.
«С» гуруҳи — Бразилия, Туркия, Хитой, Коста-Рика.
«D» гуруҳи — Жанубий Корея, Португалия, АҚШ, Польша.
«Е» гуруҳи — Германия, Ирландия, Камерун, Саудия Арабистони.
«J» гуруҳи — Хорватия, Эквадор, Италия, Мексика.
«F» гуруҳи — Аргентина, Англия, Нигерия, Швеция.
«Н» гуруҳи — Россия, Тунис, Бельгия, Япония.

Кўриниб турибдики, гуруҳларда қизғин ва муросасиз баҳслар бўлиши табиий. Боиси, ҳар бир гуруҳда кучли жамоалар жойлашган. Фақат омади чопган жамоагина учрашувларни ҳал қилувчи ўйингача давом эттириши мумкин. Дастлабки ўйин эса келаси йилнинг 31 май куни Франция — Сенегал учрашуви билан бошланади.

# ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ

Франция сиёсий тузумига кўра президентлик республикасидир. Президентлик республикаси деб аталишига сабаб мамлакат сиёсий ҳаётида давлат раҳбари — Президентга ғоят кенг ваколатлар берилган. Жумладан, у 1958 йил 4 октябрда қабул қилинган Конституцияга асосан парламент Ассамблеясини тарқатиб юбориши, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этиши ва ўзига чекланмаган ваколатлар бериши мумкин.

Яқин-яқингача президент умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан, оз эмас-кўп эмас, етти йил муддатга сайланар эди. Ниҳоят, 2001 йилда ўтказилган халқ референдуми унинг ваколат муддатини беш йил қилиб белгилади. Бу билан президентнинг сиёсий мавқеи тушиб қолмади, албатта. Аксинча вақт тарозиси унинг масъулиятини янада оширди.

Ҳозирги кунга қадар мамлакат тарихида 22 нафар президент номи қайд этилган. (Луи Банопарт 1848-1852, А. Тьиер 1871-1873, Е. Мак-Маон 1873-1879, Ж. Греви 1879-1887, Сади Карно 1887-1894, Казимир Перье 1894-1895, Ф.Форр 1895-1899, Е. Любэ 1899-1906, А. Фаллиер 1906-1913, Пуанкаре 1913-1920, П. Дешанель 1920, А. Миллеран 1920-1924, Г. Дюмерг 1925-1931, П. Дюмер 1931-1932, Ш. Лебриюн 1932-1940, В. Ориол 1947-1954, Р. Коти 1954-1958, Ш. Де Голл 1958-1969, Ж. Помпиду 1969-1974, Ж. Д. Эстенг 1974-1981, Ф. Миттеран 1981-1995, Ж. Ширак 1995 й. сайланган).



Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари, сиёсий қарашлари, инсоний сифатлари билан ажралиб туради. Улар орасида умумий жиҳатлар билан тафовутли томонлар ҳам йўқ эмас.

Дарҳақиқат, Франциянинг биринчи президенти Луи Банопарт айни пайтда, энг ёш президент ҳам эди: у 1848 йил 10 декабрда 40 ёшида Елисей саройи ҳукмдори деб эътироф этилди. Энг кекса давлат раҳбари эса Ж. Греви бўлиб, у президентликка 79 ёшида сайланган. Умуман французларда президентлик учун балоғат ёши 61-65 ёш ҳисобланади. Айнан шу ёш оралиғида 8 та президент ўз фаолиятини бошлашга киришган.

Етти йиллик мандатга сайланган биринчи президент маршал Е. Мак-Маон эди. Бу айнан Учинчи Республика даврига тўғри келади. «Етти йиллик» сурурини сураётган охирги раҳбар эса ҳозирги Бешинчи Республика Президенти Ж. Ширакдир (1995 йил 7 майда 63 ёшида сайланган).

Касб мутахассисликларига кўра, Франция президентларининг 10 нафари (В. Ориол, Р. Коти, Г. Дюмерг, А. Фаллиер, Ж. Греви, Е. Любэ, А. Миллеран, Ф. Миттеран, Пуанкаре, А. Тьиер) адвокат бўлса, 3 таси (Л. Банопарт, Ш. Де Голл, Е. Мак-Маон) ҳарбий, 2 таси (П. Дешанель, Ж. Д. Эстенг) хизматчи, 2 таси (Ш. Лебриюн, Сади Карно) муҳандис, яна 2 таси (Казимир Перье, Ф. Форр) саноатчи ва ниҳоят кейинги жуфтлик эса (П. Дюмер, Ж. Помпиду) оддий ўқитувчи бўлишган.

Сиёсий партияларга мансублигига қарасак, энг кўп, яъни 7 президент етиштириб берган партиялар «сўллар»дир. Кейинги ўринни шубҳасиз «ўнглар» 5 та вакили билан, кейинги мавқеларни эса 2 тадан ўрин билан партиясизлар ва «социалистлар» эгаллайди.

Жуғрофий келиб чиқишига кўра, жанубий регионлар етакчилик қилади: қарийб 7 президент иссиқ минтақаларда таваллуд топган. Марказий ва шарқий минтақаларда эса 3 тадан бўлғуси давлат раҳбари вояга етган. Пойтахт Париж шаҳрида 5 президент туғилиб улғайган ва ҳозирги президент Ж. Ширак ҳам баайни пойтахтликдир.

Франция президентларининг иккитаси Ф. Форр (1899й.) ва Ж. Помпиду (1974й.) ўз ваколатлари тугамасдан вафот этганлар, 8 нафари Е. Мак-Маон (1979й.), Ж. Греви (1887й.), Казимир Перье (1895й.), П. Дешанель (1920й.), А. Миллеран (1924й.), Ш. Лебриюн (1940й.), Р. Коти (1958й.), Ш. Де Голл (1969й.) муддатидан илгари истеъфо беришга мажбур бўлишган.

Президентларнинг иккитаси Сади Карно (1894й.) ва П. Дюмер (1932й.) қуролли суиқасд қурбони бўлишган.

Аксинча, 4 президент — Ш.Де Голл (1969й.), Ф. Миттеран (1988й.), Ш. Лебрюн (1939й.), Ж. Греви (1886й.) иккинчи марта президентликка сайланганлари ҳолда, фақат Ф. Миттерангина иккинчи мандатни тўлалигича ва охиригача адо этишга муваффақ бўлди.

XX асрнинг энг машҳур президенти, шубҳасиз, Ш. Де Голл деб эътироф этилган. У амалдаги Бешинчи Республикага асос солди. Унингча, Франция Европадаги энг кучли давлат бўлиши керак эди. Шундай ҳам бўлди. Энди эса янги аср бошланди. У кимнинг фойдасига ҳал бўлишини келажак кўрсатади.

■ **Ҳайдар МУРОД, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ўқитувчиси**

# UN Volunteers

## 2001 is the International Year of Volunteers - it`s our time.

www.iyv2001.org




# Find yorself.




## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали жамоаси умумхалқ байрами — Конституция куни билан самимий қутлайди.**

**Барчангизга тинчлик, омад, бахт-саодат, фаровонлик ва хонадонингизга қут-барака тилайди.**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

### РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ КИМОШДИ ВА БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

**Савдоларда қуйидаги бино ва иншоотлар мавжуд:**

1. «МБ-Механизатор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига тегишли бўлган, Сирғали тумани, Нилуфар кўчаси, 16-уйда жойлашган:

— умумий майдони — 5771,0 кв.м бўлган бино ва иншоотлар мол-мулки билан биргаликда.

**Бошланғич нархи — 121 883 111 сўм;**

— ошхона биноси.

**Бошланғич нархи — 5 964 428,5 сўм.**

2. «Кимёномаъдангеология сервис» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Обводная кўчаси, 5-уйда жойлашган, умумий майдони 459,0 кв,м бўлган, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари.

**Бошланғич нархи — 3 422 300 сўм.**

3. Тошкент давлат иссиқлик электр станциясининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, «ТошДИЭС» микрорайонида жойлашган ўйингоҳи (стадиони) мол-мулки, асосий воситалари билан биргаликда.

**Бошланғич нархи — 40 000 000 сўм.**

4. «KOMPYUTER SPECTR» масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида жойлашган дам олиш маскани (мол-мулки билан), умумий майдони 0,34 га.

**Бошланғич нархи — 3 027 436,0 сўм.**

5. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали даҳаси, 8-мавзесида жойлашган Сирғали тумани ҳокимиятига қарашли «Гузар-сервис» давлат корхонаси мол-мулки билан (биносиз) биргаликда.

**Бошланғич нархи — 6 198 000 сўм ёки 18 000 АҚШ доллари.**

7. «733-қурилиш-монтаж поезди» очиқ акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар Миробод тумани, Манжара кўчаси, 175-уйда жойлашган, умумий майдони 3323 кв.м. бўлган, 4 қаватли ётоқхона биноси.

**Бошланғич нархи — 19 552 477 сўм.**

8. «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 434-уйда жойлашган қуйидаги қурилиши тугалланмаган объектлари:

— Маиший хизмат кўрсатиш маркази, фойдали майдони 1 958 кв.м.

**Бошланғич нархи — 2 861 499 сўм.**

— Босмахона.

**Бошланғич нархи — 13 340 689 сўм.**

— Тиббий-санитария қисми, фойдали майдони 11 833,7 кв.м.

**Бошланғич нархи — 65 008 265 сўм.**

— Ичкари йўналтириш шаҳобчаси, фойдали майдони 686 кв.м. **Бошланғич нархи — 5 306 675 сўм.**

— Йиғув-узатув бўлими, фойдали майдони 21 866 кв.м.

**Бошланғич нархи — 208 659 321 сўм.**

— Муҳандислик-лаборатория бўлими, фойдали майдони 3 420 кв.м. **Бошланғич нархи — 9 566 310 сўм.**

— Чўян қуйилмалари цехи, фойдали майдони 65 060 кв.м.

**Бошланғич нархи — 1 734 490 748 сўм.**

**КИМОШДИ САВДОЛАРИ ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ, БИРЖА САВДОЛАРИ ҲАФТАНИНГ ШАНБА, ЯКШАНБА КУНЛАРИДАН ТАШҚАРИ БОШҚА КУНЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

**Савдолар соат 10.00 да бошланади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати.**

**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**

МУТОЛАА ЗАВҚИ

# «МЕНГА ЭЛДАН РИЗО КЕРАКДИР»




Инсон табиатан суҳбатдошга ташна яратилган. Қалбида кечаётган туйғуларни, уни қуршаб турган олам, ҳаётнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги кечинмаларини изҳор қилишга ва замондошларининг бу борадаги қарашлари билан танишишга мойил одамзот. Инсон шахсининг бу эзгу фазилати кўплаб истеъдод эгаларини кашф этган ва бугун ҳам кашф этмоқда.

Адабиётнинг чинакам ихлосманди, шоирлик даъвосидан йироқ бўлган Суннатиллахўжа Акромийнинг «Баҳорим менинг» номли шеърий тўплами мутолааси менда шундай таассурот уйғотди. Мутлақо бошқа соҳа кишиси бўлган муаллиф (у аслида олий тоифали товаршунос, муҳандис-технолог)нинг одамийлик, она-Ватан, инсон умри ҳақидаги теран ва самимий фикрлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. «Камтарин бўлмоқлик инсон зийнати, Яхшилик қил, яхшилик қил, яхшилик!» дея эзгуликка ва халқ хизматига бахшида бўлган умр абадий бўлишига ишора қилади муаллиф.

Кимга молу дунё керакдир,
Ошиқ дилга зуҳро керакдир,
Дил дардига даво керакдир,
Менга тинчлик, дўстлик бўлса бас.

Асосига самимийлик сингдирилган бу каби сатрлар шеърхонни ижодкорнинг руҳий дунёсига олиб киради, унинг орзу-армонлари, ҳаёт фалсафаси билан таништиради. Ана шунда ўқувчи кўз ўнгида ватанини саждагоҳ билувчи, унинг келажаги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган, яхшилик тарафдори бўлган камтар ва фидойи инсон шахси гавдаланади. Бу инсон «Менга элдан ризо керакдир» дея ҳар бир нафаси ҳолидан огоҳ яшайди.

У ўз фарзандига:
«Эзгуликнинг ҳақига
Кучингни сарфла, болам», — дея насиҳат қилади.

Адабиётни хилма-хиллик, туйғулар ранг-баранглиги бойитади. Сўз айтишга, ўзликни англашга бўлган иштиёқ ижодкорни янгидан-янги парвозларга ундайди. Кўнглига шеър ҳаваси тушган, жонкуяр ва дилкаш инсон Суннатиллахўжа Акромий қаламига мансуб шеърлар ижодкорнинг адабиётга бўлган меҳри ифодасигина эмас, унинг бетакрор ватанига ва меҳнаткаш халқига бўлган муҳаббати намойиши ҳамдир.

■ **Шуҳрат ОРИФ**

## ЮРТИМ

*Номинг қўшиқ, ғазал юртим,*
*Мулки Ажам, азал юртим.*
*Чаппар урар чаманларинг,*
*Жаннатлардек гўзал юртим.*

*Бугун бағринг осмон бўлди,*
*Дала-даштинг бўстон бўлди.*
*Юртбошинг бор мард, мададкор,*
*Тинчлигингга посбон бўлди.*

*Ёвга боқдинг тикка ўзинг,*
*Сен дунёда якка ўзинг.*
*Ўзинг мушфиқ, ўктам ўзинг,*
*Қалбимизга Макка ўзинг.*

*Сен дилимда суронимсан,*
*Қудратимсан, бўронимсан.*
*Туркий элнинг шон-шавкати,*
*Темур айтган Туронимсан.*

*Тилакларим кулди бугун,*
*Армонларим тўлди бугун.*
*Ҳумо қуши бошга қўниб,*
*Элим эркин бўлди бугун.*

■ **Суннатиллахўжа АКРОМИЙ**

## «АЛЛО, МЕН «АЖДАҲО»МАН!»

*Япония — қадимий ва жозибали диёр. Японлар қадимий ёдгорликлар, меъморчилик обидалари, урф-одатларни жуда қадрлашади. Шуниси аҳамиятлики, улар «эски» анъананиям «янги»лаштиришга уринишади.*



*Японларнинг жону дили байрам. Шунданам ҳали биз янги йил ҳақида ўйлаб кўрмасдан улар тайёргарликни бошлашибди.*

*Токиода янги йил кезлари ғалати «телефон»лар ишлайди, яъни ўтмишдан ва келажакдан садо беради. Телефон гўшагини кўтарсангиз — японтақвими бўйича жорий йилдаги «овоз» ва кириб келаётган янги йил «овози», яъни ҳайвонларнинг овози эшитилади. Истасангиз яқинларингизни турфа ҳайвонот оламидаги «овоз» билан табриклашингиз мумкин. «Токио ньюслеттер таймс» журналининг ёзишича, битта телефон-телеграф корпорациясининг ўзида 20 минг турдаги (албатта, пуллик) шундай хизмат турлари мавжуд экан. Журнал ўзининг Францияда чиқадиган ҳамкасблари «Пуркуа па» журнали жамоасини «Аждаҳо қичқириғи» билан қутлаганди. Французларга бўлса журнал орқали «маймун»нинг табриги маъқул бўлганини айтишди.*

*Ажабмас, болажонларимизни бу йил японлар «от кишнаши» билан табрикласа. Биз катталар бўлсак, бир-биримизга «отдек бўлиб юринг», деб бир оғиз истак айтсак ҳам етади.*

БИЛАСИЗМИ?

## ГУРУЧНИНГ ХОСИЯТИ

Гуруч кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Ҳафтада 2-3 марта ош дамлаб емаса кўнгли жойига тушмайди ўзбекнинг. Чунки у тўйимли. Шу билан бирга тез ва осон ҳазм бўлади. Қадимий қўлёзмаларда эътироф этилишича, гуруч уйқусизликка барҳам бериб, кишига осойишта уйқу бағишлайди, чанқоқни йўқотиш хусусиятига эга, ич кетишни тўхтатади, семиришга мойиллик яратади, буйрак ва қовуқ хасталикларига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари гуручли таомлар одам чеҳрасини тиниқлаштиради. У шакар ёки сут воситасида пишириб тайёрланса, унинг озуқалик қиммати янада ортиб, тўйимлилик даражаси ошади.

Абу Али ибн Сино гуручнинг шифобахш хислатлари ҳақида шундай дейди: «Гуруч яхши озуқа бўлиб, бироқ қуруқликка мойилдир. Сут ва бодом ёғи билан қайнатилса, зўр ва яхши озуқа бўлади... Бунда тозалаш хоссаси бор... Сут билан қайнатилгани эрлик уруғини кўпайтиради ва ични тозалайди».

Ҳаммамизга маълумки, бирор кишининг ҳарорати кўтарилиб, ўзини лоҳас сезадиган бўлса, дарҳол ёвғон хўрда қилиб берилади. Демак, бунда ҳам кўп хосият бор. Дарвоқе, оғир хасталарга ҳам гуручли суюқ таомлар тавсия этилади.

Халқ табобатида гуручли таомлар камқонликда, дармонсизликда, силла қуриганда буюрилса, парҳез таом сифатида ичбуруғда (ёвғон шўрва, ширгуруч, ширқовоқ ва бошқа) оғир ва юқумли хасталикларни бошидан кечирган беморларга тавсия қилинади.

Гуруч донлари таркибида 9-12 фоиз оқсил, 65-75 фоиз атрофида карбонсув, 4-5 фоиз ёғ, маъдан тузлари, жумладан, калий (202 мг., кальций 966 мг.), магний (96 мг.), фосфор (328 мг.), темир (2,6 мг.), шунингдек, В, РР витаминлари бор. Гуруч оқсили юқори сифатга эга бўлиб, аминокислоталарни сақлаши билан ҳайвонлар протеинларига яқин туради.

Гуруч таркибидаги карбонсувларнинг 63 мг. фоизининг 55,2 мг. фоизини крахмал ташкил этади. Кези келганда гуруч крахмалининг ўрни ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқ жоиз. Кембриждаги «Овқатланишни ўрганиш бўйича клиник марказ»нинг тиббий тадқиқот кенгаши олимлари фикрича, ўз таркибида салмоқли миқдорда крахмал сақлаган озиқ-овқат маҳсулотлари ичак саратони келиб чиқишига қаршилик кўрсатадиган зарур ҳимоя воситаси ҳисобланади.

## ШОХДОР КАМПИР

Бундан бир неча йиллар аввал хориж матбуотида исроиллик археологларнинг «шохдор одам» скелетини топганлиги ҳақидаги хабар тарқатилганди. Ҳаётда-чи? Бугунги одамларда шох борми?

Кривой Роглик В.Эверлетнинг маълум қилишича, бир жарроҳ дўсти «шохдор кампир»ни кўрган экан. Ким билади қанчалар ҳақиқатга яқин бу воқеа. Умр бўйи соғлиғидан шикоят қилмаган қариянинг бошида худди тоғ эчкисиникидай бурама шохлар бор экан. Ёшлигида серсоч бўлгани учунми, унчалик билинмас, лекин ёши ўтиб, сочи сийраклашган сари шохи ўса бошлабди. Шифокорлар эса «шохдор хотин»га «хавфли, ўсувчи шох суяк ўсмаси» дея ташхис қўйди.


# APLOVIT

ОЗИШ ВА ҚАДДИ-ҚОМАТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ТАБИИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАСИ

NEW



APLOVIT — ҲАЁТ МАНБАИ!

БУНГА ҚУРБИНГИЗ ЕТАДИ

ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ҚУТИЛИНГ, ҲАЁТ ҚУВОНЧИ ВА ЎЗИНГИЗГА ИШОНЧНИ ҲИС ЭТИНГ

БИРГАЛИКДА ОЗАЙЛИК!

Ишлаб чиқарувчи — «GRACE INTERNATIONAL LIMITED» қўшма корхонаси

Телефон: (998-71) 199-56-43


## СКАНДИНАВИЯ БОШҚОТИРМАСИ



■ Тузувчи: Акрамжон ХЎЖАМОВ

Тошкент давлат аграр университети томонидан 2001 йил 28 июнда Исоқов Валижон Алиқулович номига берилган В № 051510 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Давлат мулки бошқармаси томонидан Мирзаев Қудрат Набижонович номига 1993 йил 28 январда №03-02/1822 рақами билан берилган мулкни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Давлат мулки бошқармаси томонидан 1993 йил 9 апрелда «Дилшод Султон» жамоа корхонасига №53 рақами билан берилган мулкни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*Хитой Халқ Республикаси фуқароси Абдурашид Тиловолди номига берилган 652401620412005 рақамли йўқолган паспортни топиб олганлар мукофот эвазига қайтаришини сўраймиз.*

Мурожаат учун телефон: 51-49-80


BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi órinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir órinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir órinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tólepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÓLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Fargonada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KÓCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «Ózbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon kóchasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan róyxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.


«Ózbekiston ovozi» materiallarini kóchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA